



УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ҒОЯСИ — вақт измига бўйсунмас абадий ғоя

Покистонлик ёзувчи Муҳаммад Аббос Хоннинг “Ўзбекистон: Учинчи Ренессанс — тараққиёт концепти” номли урду тилидаги китобида жаҳон миқёсидаги давлат ва

сиёсат арбоби Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш ғояси инсониятни ҳамкорликка чорлаш, тинчлик ва мулоқот каби

қадриятларга асосланган буюк ўзгаришлар лойиҳаси, шунингдек, вақт измига бўйсунмас абадий ғоялардан бири сифатида тақдим этилган.



Қишлоқ хўжалиги —

миллий ривожланишнинг асосий ўстуни

Бугунги кунда мамлакат аҳолисининг қарийб 50 фоизи яшаётган ҳудудларда, иқтисодиётнинг тўртдан бир қисmini ташкил этаётган ва 3,5 миллион киши банд бўлиб турган мазкур соҳада тегишли ислохотларни жадаллаштириш, албатта, келгусида аҳоли фаровонлигини ошириш ҳамда барқарор иқтисодий тараққиётни таъминлашга хизмат қилади.



“БУ НЕЧУК ТУНКИМ, ОНИ ТОНГИ ЙЎҚ...”

Ўзбек мумтоз шоири Гулханий қаламига мансуб ушбу сатр шу йилнинг 21 декабрь куни — ялдо кечасида босилиб чиқиши кутилаётган янги асарга эпиграф қилиб олинган.


Биринчи ва энг буюк ўзбек романи — “Ўткан кунлар”нинг яратилганига юз йил тўлган бир вақтда ана шу ўлмас асарга илова тарзида ёзилган “Ялдо кечаси” номли китоб нашр этилаётгани ҳақидаги хабарлар кўпчилик катори газетамиз муштарийларида ҳам катта қизиқиш уйғотди. Суриштириб билсак, мазкур нашрнинг барча ҳуқуқлари химояланган бўлиб, тўлиғича “Хаувар-25” нашриётига тегишли экан. Биз нашриётдаги ижодкор дўстларимиз билан мулоқотга киришиб, бу ажойиб ва сирли китобнинг “Байроқни ким кўтаради?” деб номланган бобини чоп қилиш ҳуқуқини қўлга киритдик.

Маърифат, озодлик ва адолат ғояларини изчил олға суриб келаётган газетамиз ва унинг ўқувчиларига кўрсатилган ҳурмат-эътибор ва хайрихоҳлик учун нашриёт жамоасига миннатдорлик билдириб, уларнинг келгуси фаолиятида ютуқ ва зафарлар ёр бўлишини тилаймиз.

Табиийки, йилнинг фавқуллода ғаройиб асари сифатида эътироф этилаётган “Ялдо кечаси” китобини қаердан харид қилиш мумкинлиги кўпчилиكنи қизиқтиради. “Хаувар-25” нашриётидан олинган маълумотга кўра, бунинг учун нашри-

ётнинг сотув бўлими (Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Навоий кўчаси, 69-уй) ҳамда +99871-241-09-21 ва +99870-056-66-00 телефон рақамлари орқали мурожаат қилиш керак экан. ТАҲРИРИЯТ

Янги китоб



...Соҳадаги ишларни янги босқичга олиб чиқиш мақсадида Коррупцияга қарши курашиш кластерини йўлга қўйиш таклиф этилди. Бу тизим Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, Ҳисоб палатаси ва Давлат молиявий назорати инспекцияси, идораларнинг ички назорат бўлиналари, таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасида мазкур иллатга қарши курашиш бўйича яқин ҳамкорлигини ўрнатиш ва уларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштиришга хизмат қилади. Кластер доирасида ахборот алмашиш, қўшма тадбирлар ўтказиш, мониторинг ва баҳолаш орқали яхлит экотизим яратилади, ишларнинг самарадорлиги ошади. ...Коррупция ҳақида хабар бераётганлар сонини ошириш мақсадида уларга химоя ордери беришни йўлга қўйиш, рағбатлантиришнинг реал механизмини жорий этиш муҳимлиги таъкидланди. “Коррупцияга қарши курашишга қўшган ҳиссаси учун” қўрак нишонини таъсис этиш ташаббуси илгари сурилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 10 декабрь куни коррупцияга қарши курашиш, комплаенс назоратини такомиллаштириш ва рақамлаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳамда келгусидаги режалар тақдиротидан

Муносабат

АФВ — ХАЛҚИМИЗГА ХОС ҚАДРИЯТ

Робохон МАХМУДОВА, Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси раҳбари

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 33 йиллиги муносабати билан “Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида”ги Президент фармони эълон қилинди.

Аввало, ушбу фармон мамлакатимизда кечаётган кенг қамровли ислохотлар, жумладан, жамиятда инсонпарварлик, меҳр-оқибат, бағрикенглик ғояларини мустаҳкамлашга қаратилган давлат сиёсатининг амалий ифодасидир. Ушбу ҳужжат нафақат бир гуруҳ фуқароларнинг озодликка чиқишига сабаб бўлмоқда, балки ижтимоий бирдамлик қадриятларини мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилади. Президентимиз ташаббуси билан юртимизда сўнгги йилларда афв институтининг мазмун-моҳияти тубдан янгиланди. Натижада, муқаддам жиноят содир этган шахсларнинг индивидуал ҳолатидан келиб чиқиб, жамиятга қайтариш учун имкон яратилди. Бу борада қабул қилинган навбатдаги фармонга мувофиқ, жазо муддатини ўтаётган ҳамда ўз қилмиши учун чин дилдан тавба қилиб, жамиятга қайта мослашиш ниятида бўлган 615 нафар шахс афв этилди. Бу рақамлар ортида инсонлар тақдири, оилаларнинг эртанги кунга умиди мужассам.

Қайд этилишича, 220 нафар шахслар асосий жазодан тўлиқ, 123 нафари шартли озод этилмоқда. Шунингдек, 97 нафарининг жазоси энгилроқ жазо билан алмаштирилади, 175 нафар шахснинг жазо муддатлари қисқартирилади. Бу мамлакатимизда инсонпарвар сиёсатнинг устувор эканини яна бир бор тасдиқлайди. Афв этилаётганлар орасида 29 нафар аёл, 23 нафар 60 ёшдан ошган эркаклар, 264 нафар ёшлар, шунингдек, чет эл фуқаролари ҳам борлиги фармоннинг асосий мақсади хато қилган, аммо тўғри хулоса чиқарганларга иккинчи имконият берилаётганидан дарақдир. Афв этиш фақат жазонинг энгиллашуви эмас. Энг аввало, оилалар тикланиши, фарзандларнинг ота-она бағрига қайтишидир. Ёшлар эса ўз хатосидан сабоқ олиб, меҳнатга, таълим олишга киришади. Зеро, фармонда афв этилганларни ҳаётга мослаштириш, уларга психологик ёрдам кўрсатиш, иш билан таъминлаш, соғлом турмуш тарзига қайтариш, ижтимоий реабилитация қилиш чоралари ҳам белгиланган. “Адолат” СДП афв институтини Ўзбекистоннинг ҳуқуқий-демократик давлат сифатидаги халқаро нуфузини мустаҳкамлайдиган, жамиятда инсон ҳуқуқларига ҳурмат тамойилини қарор топтирадиган муҳим қадам сифатида баҳолайди. Ҳар қандай инсон хато қилиши мумкин. Муҳими, буни англаб, тўғри йўлга қайтишдир. Бундай инсонларга ишонч билдириш, жамиятга қайтиш учун шароит яратиш демократик жамиятнинг юксак фазилати саналади. Шу маънода афв этилган шахслар жамиятга қайтган, уларни ҳаётга мослаштириш вазифаси фақат масъул идоралар зиммасидагина қолмаслиги керак. Маҳалла, жамоатчилик, ҳусусан, сиёсий партиялар ҳам ушбу жараёнда фаол иштирок этиши зарур. Уларнинг муаммоларига қўлоқ тутиб, ҳал этиш чораларини кўрсак, асосий мақсадимизга эришамиз.

“ОБУНА-2026”



Қадрли юртдошлар! 2026 йил учун обуна давом этмоқда. “ADOLAT”га обуна бўлишингизга ишонамиз.



Обуна индекси — 100

ҚИШПОҚ ХЎЖАЛИГИ — МИЛЛИЙ РИВОЖЛАНИШНИНГ АСОСИЙ УСТУНИ

Бугунги глобал иқтисодий ўзгаришлар, иқлим муаммолари ва дунёда озиқ-овқат таъминоти юзасидан ортиб бораётган рақобат шароитида қишлоқ хўжалиги ҳар қандай давлатнинг стратегик устунлиги ва барқарор ривожланиш драйверига айланмоқда. Айниқса, аҳолиси тез ўсиб бораётган ва экспорт салоҳиятини кенгайтиришни мақсад қилаётган мамлакатлар учун аграр соҳа нафақат иқтисодий манфаат, балки ижтимоий барқарорлик ва миллий хавфсизликни таъминловчи асосий омил сифатида намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон ҳам бу жараёнда ўзининг миллий аграр сиёсатини тубдан янгиллаб, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, ресурслардан оқилона фойдаланиш, бозор механизмларини кучайтириш ва инновацион технологияларни жорий этишга йўналтирилган кенг қамровли ислохотларни амалга оширмоқда.

Хусусан, экин майдонларини диверсификация қилиш, кластер ва кооперация тизимини ривожлантириш, экспортбоп ҳамда юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш аграр соҳанинг янги босқичга кўтарилишига замин яратди.

Натижада, бугунга келиб қишлоқ хўжалиги Ўзбекистон иқтисодиётидаги энг муҳим тармоқлардан бири сифатида аҳоли бандлигини таъминлаш, озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш, миллий экспорт ҳажминини ошириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашда бекиёс ўринга эга бўлди.

Ҳозирда 3,5 миллион нафар аҳоли қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги соҳаларида фаолият юритмоқда. Шунингдек, 2024 йил якуни бўйича қишлоқ хўжалиги тармоғининг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши 19,2 фоизни ташкил этган. Бу эса ушбу соҳа нафақат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, балки аҳоли бандлигини ошириш ва экспорт орқали валютасизлаштиришнинг кўпайтиришда ҳам муҳим роль ўйнаётганини аниқлашди.

Қолаверса, пахтачиликда илм-фан ютуқлари ва илғор агротехнология олиб кирилгани, юқори унумдор хорижий навлар экилгани ҳисобига жорий йил деҳқон ва фермерларимиз томонидан 875 минг гектар ерда 4 миллион тоннага яқин хирмон яратилди. Натижада, илк бор пахтада ўртача ҳосилдорлик 46 центнерга етди.

Шу билан бирга, жорий йил 3 мингдан

зиёд фермер гектаридан ўртача 50-60 центнерлик, 1,5 минг 70 центнерлик маррадан ўтиб, пахтачиликда ўзининг тажриба мактабини яратди. Ғаллакорларимиз ҳам янги маҳаллий навлар ва биотехнология орқали бу йил 8 миллион 400 минг тонна хирмон яратди, ўртача ҳосилдорлик 85 центнерга етди.

Эътиборлиси, ушбу юқори натижаларни қўсаткичлар халқаро даражада ҳам эътироф этилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон 2024 йилда Глобал очлик индекси бўйича 127 та давлат орасида 5 дан паст балл тўплаб, 22-ўринни эгаллади ва минтақада етакчи мамлакат сифатида қайт этилди. Бу мамлакатда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш йўлида амалга оширилаётган сиёсат ва амалий чора-тадбирларнинг самарадорлигини тасдиқлайди. Ушбу натижа, аҳолининг озиқ-овқат билан тўйиниш ҳолатининг яхшиланишини ва мамлакатда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида керакли ютуқларга эришилганини кўрсатади.

Эндиликда, Президент ташаббуси билан Аграрно-иқтисодий ривожлантириш жамғармасидан интенсив бoғ ташкил қилиш учун 7 йилга 3 йиллик имтиёзли давр билан 14 фоизли кредит берилади. Тадбиркорлик компанияси томонидан музлаткичли омбор учун кредит фоизининг асосий ставкадан ошган 8 фоизгача қисми қопланади. Савдони ривожлантириш компанияси субзаъот экспортчилари ва бoғбонларга қадоклаш харажатининг 50 фоизини компенсация қилиши маълум қилинди. Бу каби иқтисодий қўллаб-қувватлашлар яқин вақт ичида соҳа тараққиётида янада юқори кўрсаткичларга эришиш имконини беради.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, бугунги кунда Ўзбекистон 180 дан ортиқ турдаги қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини 80 дан зиёд мамлакатга экспорт қилмоқда. Бу эса

Муносабат



Дилрабо ХОЛБОВЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг
Аграр ва сув хўжалиги масалалари
қўмитаси раиси ўринбосари,
“Адолат” СДП фракцияси аъзоси

миллий агросаноат маҳсулотларига бўлган халқаро талаб ортиб бораётганини, шу билан бирга, Ўзбекистоннинг жаҳон озиқ-овқат бозоридан мавқеи босқичма-босқич мустаҳкамланаётганини кўрсатади.

Албатта, соҳа ривожига қабул қилинган стратегия, давлат дастурлари ҳамда қонунчилик ҳужжатлари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, 2025 йилда қабул қилинган “Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида”ги қонун Ўзбекистондаги озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва соҳага алоқадор ҳуқуқий муносабатларнинг асосини мустаҳкамлашда муҳим қадам ҳисобланади. Ушбу қонун, ўз навбатида, озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлигини назорат қилишни кучайтириш, барқарор ривожланишни таъминлаш ва миллий

иқтисодиётда озиқ-овқат тармоғининг ўрнини мустаҳкамлашга қаратилгани билан янада аҳамиятлидир.

Шу билан бирга, мазкур қонун озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш орқали, мамлакатнинг озиқ-овқат секторини глобал бозорларга интеграция қилиш, халқаро стандартларга мувофиқ ишлаб чиқариш ва сифат назоратини кучайтиришга хизмат қилади.

Умуман олганда қишлоқ хўжалиги соҳаси давлатимиз раҳбарининг алоҳида эътиборида бўлган масала ҳисобланади. Буни кўриб кеча қишлоқ хўжалиги ходимлари кўни муносабати билан бир гуруҳ соҳа фидойиларининг тақдирларини ҳамда Қўқсарой қароргоҳида соҳа фаолари билан ўтказилган очиқ мулоқот мисолида ҳам кўриш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, бугун мамлакат аҳолисининг қарийб 50 фоизи яшаётган ҳудудларда, иқтисодиётнинг тўртдан бир қисmini ташкил этаётган ва 3,5 миллион киши банд бўлиб турган мазкур соҳада тегишли ислохотларни жадаллаштириш, албатта, келгусида аҳоли фаровонлигини ошириш ҳамда барқарор иқтисодий тараққиётни таъминлашга хизмат қилади.

УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ҒОЯСИ — ВАҚТ ИЗМИГА БЎЙСУНМАС АБАДИЙ ҒОЯ

Ушбу асарга Покистон Бош вазири жаноб Муҳаммад Шаҳбоз Шариф сўз боши ёзганиги Покистон давлати ва халқининг Президентимизнинг ғоялари ва халқлар ўртасида ҳамкорлик ва хавфсизликни таъминлашга қаратилган глобал миқёсдаги қатор ташаббусларининг ҳам юксак эътирофидир.

Қайд этиш лозимки, Президент Шавкат Мирзиёевнинг “Хайрли иш яхши ниятдан бошланади” деган сўзлари муаллиф томонидан китобнинг фалсафий асоси сифатида талқин этилган. Демакки, чин маънодаги ўзгаришлар инсоннинг эзгулик ва адолатга хизмат қилиш истагидан бошланади.

Мазкур асарда давлатимиз раҳбарининг инсонпарварликка асосланган янгича тафаккур акс эттирилган. “Менинг назаримда, — деб ёзади Муҳаммад Аббос Хон ўз асарида, — инсоният тарихида давлат ёки империянинг мавжудлигидан ҳам барқарорроқ нарсаси бор. Бу — буюк ғоялар. Улар тарихнинг йўналишини ўзгартириб, келажакни шакллантира оладиган қудратли куч ҳам ҳисобланади. Ана шундай ғоялардан бири — Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиши ғояси, деб биламан. Зеро, Учинчи Ренессанс ғояси — вақт измига бўйсунмас абадий ғоядир. Менинг назаримда мазкур ғоя инсон тафаккурининг бемисл уммонига қўйилувчи қудратли дарёга ўхшайди.

Фикримча, бу ғоя нафақат Ўзбекистон келажакдаги учун асос, балки янги, янада уйғун ва самарали дунёни шакллантиришнинг инновацион модели ҳамдир”, — деб таъкидлайди муаллиф Муҳаммад Аббос Хон.

Мазкур китоб ўқувчини теран мулоҳазага чорлайди — унда давлатимиз раҳбарининг тарих девор эмас, балки кўприкка, келажак эса рақобат эмас, балки ҳамкорлик майдонига айланади, деган фикрлари аниқ мисоллар ва ҳаётий воқеалар орқали ифода этилган.

Асарда, жумладан, Ўзбекистон миллий давлатчилик ривожининг уч минг йилдан зиёд тарихий тажрибасига онд қатор тарихий мисоллар келтирилади.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, “Ўзбекистон: Учинчи Ренессанс — тараққиёт концепти” номли ушбу асар, шубҳасиз, нафақат ўзаро тушуниш манбаси, балки Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларни чуқур англаш калити бўлиб хизмат қила олади, деб ўйлаймиз.

Покистонлик сиёсатчи ва илмий экспертларнинг фикрича, ёзувчи Муҳаммад Аббос Хон томонидан ёзилган ушбу асар ва унда кўтарилган фикр ва талқинлар нафақат Покистонда, балки Европада ва бошқа мамлакатларда ҳам юқори баҳоланмоқда.

Ҳозирда “Ўзбекистон: Учинчи Ренессанс — тараққиёт концепти” китоби ўзбек тилида ҳам нашрга тайёрланди.

120 НАФАР ФУҚАРО ИШПИ БЎПДИ



Аҳоли бандлигини таъминлаш, барқарор даромад манбаига эга бўлиш имкониятларини кенгайтириш ҳамда ҳар бир фуқаро ҳаётида иқтисодий мустақилликни таъминлаш — ижтимоий сиёсатнинг энг муҳим йўналишларидан бири. Мазкур жараёнда халқ вакиллариининг бевосита қатнашаётгани, маҳаллалардаги муаммоларни чуқур ўрганиб, аниқ ечим таклиф қилаётгани бандлик масаласини ҳал этишда асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Замира АБДУЛЛАЕВА,
Хоразм вилоят кенгаши матбуот котиби

Бу борада “Адолат” социал-демократик партияси томонидан амалга оширилаётган “Бир ойда — бир иш ўрни” лойиҳаси ҳам туман ва маҳаллаларда самарали натижа берапти. Жумладан, лойиҳа доирасида халқ депутатлари Шовот тумани Кенгаши депутати, партия фаоли Хурсанд Исмоилов “UZTEX GROUP” МЧЖ қўшма корхонаси Шовот филиалига 120 нафар фуқарони ишга жойлаштирди. Бу кўрсаткич қисқа вақт ичида амалга оширилган энг мақсадли ва таъсирчан натижалардан бири сифатида аҳамиятлидир.

Депутат ишчилар билан суҳбат чоғида яратилган иш ўринлари ёшлар ва хотин-қизлар учун янги имкониятлар эшигини очиб берганини таъкидлади. Шунингдек, туман миқёсида саноат ишлаб чиқаришининг кенгайтириш иқтисодий кўрсаткичларини яхшилашга қўлмай, балки ижтимоий барқарорликнинг мустаҳкамланишига сабаб бўлишини қайд этди. Ишсиз фуқароларни замонавий касб курсларига юбориш, ўзини ўзи банд

қилишни таъминлаш бўйича туман кенгаши раиси Меҳриноз Абдиязова билан ҳамкорликдаги ишлар ҳақида маълумот берилди.

— **Ишсизлик сабаб бир қанча моддий қийинчиликларга дуч келаятган эдим,** — дейди Зафар Ражабов. — **Депутатимиз кўмаги билан шу филиалга қўйилган машинаси ўқувчи-оператори сифатида ишга қабул қилиндим. Корхонадаги шароитлар яхши, меҳнат муҳити рағбатлантирувчи. Бундай имконият учун миннатдорман. Келгусида ҳам ҳалол меҳнат қилиб, ойлик маошим ва лавозимимни кўтариш ниятдаман.**

Албатта, яқинда Хурсанд Исмоилов партиянинг Сайловолди дастурида белгиланган вазифалар ижросини сидқидилдан таъминлаб келаятгани учун “Адолат” СДП Сийсий Кенгаши томонидан “Адолат” кўкрак нишони билан мукофотлангани ҳам у каби фидойий партиядошларимизга берилган муносиб эътирофидир.

“Спортчилар боғи”



Пахтачи туманида “Яшил макон” умум-миллий лойиҳаси доирасида янги “Спортчилар боғи” ташкил этилди.

Янги боғ Пахтачи туманидаги спорт мактабида жойлашган бўлиб, унинг ташкил этилишини яхшилашга ҳам хизмат қилади. Ушбу лойиҳа орқали ёшлар экологик маданиятини шакллантириш, табиати асраш ва соғлом турмуш тарзига жалб этилади.

Бу ташаббус Пахтачи туманида табиат ва спортни уйғунлаштирган ўзига хос лойиҳа бўлиб, аҳоли орасида табиатга бўлган меҳрни ошириш ва барқарор ривожланишга ҳисса қўшади.

Самарқанд вилоят кенгаши
матбуот хизмати



Акция республикамизнинг барча ҳудудларида ўтказилиб, юртдошларимиз томонидан фаол қўллаб-қувватланди. Энг муҳими, тиббий-ижтимоий кўмакка муҳтож болаларни қўллаб-қувватлаш, фуқароларнинг кўнгилли равишда қон топишишга чақириб орқали бемор болаларнинг ҳаётини сақлаб қолиш, жамиятда инсонпарварлик ва меҳр-оқибат ғояларини тарғиб қилиш эзгу мақсадларига эришди. Жараёнга ўз ҳиссасини қўшган барча юртдошларимизга "Адолат" СДП ўз миннатдорлигини билдиради.

Унинг “Adolat” газетасида чоп этилган туркум мақолалари фактларни чуқур таҳлил қилиш, манбаларни солиштириб ёндашиш, ахборотдаги зиддиятли нуктааларни аниқлаш ва журналистиканинг масъулият талабларига қатъий риоя этиши билан алоҳида эътироф этилиб, диплом ва қимматбаҳо совғаалар билан мукофотланди.



Ақилбек Пиязовнинг La Scala дебюти – бу бизнинг замонамиз санъатидаги муҳим воқеа. У дунё сахнасини ўз овози билан ло қолдири, ўзбек санъатига янги саҳифа очди ва бутун жамоатчиликка яна бир бор шундай фикрни етказди: Ўзбекистон овози – дунё миқёсидаги овоз. Бу – бизнинг партиядошимиз ва фаҳримиз!



МАМЛАКАТИМИЗ ГЛОБАЛ АКАДЕМИК МАЙДОННИНГ ТЕНГ ҲУҚУҚЛИ ИШТИРОКЧИСИ БЎЛДИ

Янгилик

Бугун олий таълим соҳасида кечаётган жараёнларни кузатар эканмиз, уларни шунчаки статистик ўсиш ёки соҳавий ривожланиш эмас, балки инсон капиталига йўналтирилган кенг қамровли миллий стратегиянинг амалдаги ифодаси сифатида баҳолаш ўринли бўлади. Зеро, юртимизда замонавий фикрлайдиган, чуқур билимли ва мустақил қарор қабул қила оладиган авлодни вояга етказишнинг асосий босқичи ҳам айнан олий таълимдир.

Зоҳид ҚЎШАРОВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети доценти,
иқтисод фанлари номзоди

Эътибор беринг, бундан 8 йил олдин, аниқроғи, 2017-2018 ўқув йилида мамлакатимизда бор-йўғи 72 та олий таълим муассасаси фаолият юритган бўлса, бугун уларнинг сони 201 тага етди. Демак, ушбу динамика ўсиш мамлакатимизни минтақадаги етакчи таълим марказларидан бирига айлантириш сари ташланган жиддий қадам десак, муболаға бўлмайди.

Мухими, бу кўрсаткич соҳа сифатига ҳам таъсир қилди. Бугунги кунга келиб, 23 та олий таълим даргоғи “Quasquarelli Symonds” халқаро рейтингда Марказий Осиёдаги энг яхши университетлар қаторидан ўрин олди. Бундан ташқари, “Times Higher Education” халқаро таъсир рейтингда 53 та ОТМ қайд этилди. Уларнинг 7 таси дунёнинг “Top-1000” университетлар рўйхатига киргани нафақат таълим сифати, балки юқори интеллектуал муҳит ва глобал тан олинишининг аниқ натижасига айланди. Қолаверса, бундай ижобий ўзгаришлар талабалар сони ва таълимга қамраб олиш даражасида ҳам яққол намоён бўлмоқда. Масалан, агар 2017 йилда 18–23 ёшли аҳолининг олий таълим билан қамраб олинishi даражаси 8,3 фоизни ташкил этган бўлса, 2024 йилга келиб бу кўрсаткич 47,7 фоизга етди. Бу ҳали эришилган нўққи эмас — балки асосий ҳаракат бошланган босқич. Юртимизда олий таълим умумхалқ қадриятига айланмоқда.

Бундан ташқари, ҳозирда мамлакатимизда 39 минг 433 нафар хорижий талаба таҳсил олмақда. Уларнинг аксарияти Ҳиндистон, Туркманистон, Покистон ва Россиядан. Бу — Ўзбекистон таълим соҳасига нисбатан хорижий ишонч ва қизиқишнинг ортиб бораётганидан dalolat беради. Таълимнинг инфра-тузилма жиҳатдан ҳам янгиланиши эътиборга молик. 2024 йилнинг ўзида 27,3 минг ўринли

талабалар тураржойи қурилди, тураржойларга жойлашish жараёни тўлиқ рақамлаштирилди. Яъни, таълим — фақат аудитория эмас, балки ҳаёт тарзига айланмоқда. Ўқитувчиларнинг сифати ва сони борасида ҳам аниқ натижалар бор: 2017 йилда 25,1 минг бўлган ОТМ ўқитувчилари сони 2024-2025 ўқув йилида 44 минг 856 нафарга етди. Профессор ва доцентлар улушининг икки баравар ортиши уларнинг сифатига берилган эътибор натижасидир.

Энг асосийси, соҳадаги асосий ютуқлардан яна бири “Олий таълимга оид малакаларни тан олиш тўғрисидаги глобал конвенцияни (Париж, 2019 йил 25 ноябрь) ратификация қилиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни қабул қилинди. Дунё таърибасида ратификация жараёни давлатларнинг глобал таълим майдонига интеграциялашуви, халқаро стандартлар билан уйғунликка эришиши ва олий таълим сифати устидан жамоатчилик назоратини кучайтиришнинг асосий механизмларидан бири сифатида қаралади. Европа Иттифоқи мамлакатларида, жумладан, Финляндия, Эстония, Германия каби давлатларда таълимга оид халқаро конвенция ва протоколларни ратификация қилиш олий таълим муассасалари фаолиятини шаффофлаштириш, академик мобиллиқни кенгайтириш ҳамда

дипломларни ўзаро тан олиш жараёнларини соддалаштиришга хизмат қилди.

Шунингдек, Болония жараёнига қўшилган мамлакатларда ратификация таълим стандартларининг ягона тизимда мувофиқлашуви таъминлаб, кредит-модуль тизимининг жорий этилиши, талабалар билим ва компетенциясини баҳолашда халқаро мезонлардан фойдаланиш имконини яратди. Юртимизда сўнгги йилларда таълим соҳасидаги ислохотлар чуқурлашиб, халқаро ҳамкорлик янги босқичга кўтарилаётган бир пайтда ратификация жараёнларининг аҳамияти янада ортиб бормоқда. Шу нуктаи назардан, глобал конвенцияга қўшилишнинг бир қанча ижобий жиҳатлари бор. Боиси мазкур конвенция замонавий таълим сиёсатида “академик визасиз майдон” концепциясини яратадиган, малакалар ва дипломларнинг дунё бўйлаб тан олинишини кафолатлайдиган, энг муҳими, ҳар бир мамлакатнинг билимлар алмашинувиغا очикилигини белгилаб берадиган улкан ҳуқуқий платформа саналади. Ўзбекистон учун бу ҳужжатнинг қиймати бир нечта стратегик манфаатда намоён бўлади. Масалан, дипломларнинг глобал муомалада тан олинishi олайлик.

Бундан бўён Ўзбекистонда олинган диплом, малакалар ва ўқув дастурлари халқаро меъёрларга мос тарзда баҳоланади. Битирувчилар Япония, Жанубий Корея, Германия, Канада, Франция, Британия, Австралия каби давлатларда қайта аттестациядан ўтиш ёки такрорий ўқишдан қўшимча қийинчиликсиз ўтиши мумкин. Бу мамлакат ёшлари учун глобал меҳнат бозорига чиқish имкониятини кенгайтиради. Шунингдек, профессор ва олимлар мобиллигини кучайтириш янги босқичга кўтарилади. Натижада конвенция икки дипломли дастурлар, қўшма факультетлар, профессорлар алмашинуви, халқаро стажировкалар учун қўлай ҳуқуқий асос яратади. Яъни, эндиликда ўзбек олимлари дунёнинг етакчи лабораториялари, илмий марказларида ишлаши ва ўқиши учун бюрократик тўсиқлар қамаяди. Бу эса мамлакат илмий мактабларини глобал илмий сиёсатнинг аъзосига айлантиради. Учинчи манфаат — таълим сифатини жаҳон стандартига яқинлаштиришдир.

Глобал конвенцияга қўшилиш орқали таълим дастурларини халқаро стандартлар асосида янгилаш, академик шаффофлиқни кучайтириш, малакаларни баҳолаш тизимини модернизация қилиш, ўқув юкламаси, кредит тизими, баҳолаш мезонларини ягона стандартда юксалтириш. Халқаро таърибда шунини кўрсатадики, ратификация қилинган ҳужжатларнинг амалда тўлиқ ижроси таъминалганда, мамлакат олий таълим тизими тез суръатлар билан глобал академик маконнинг тенг ҳуқуқли иштирокчисига айланади.

МАЗМУНЛИ УМРНИНГ БАДИИЙ ИФОДАСИ

Муголаа

Абдужаббор Обидов “Ҳастимом ёхуд Абу Бакр Қафғол Шоший” романи орқали мозий қўйнига, минг йил аввалги аждодларимиз ҳаётига назар ташлаб, ўша замонларда Шош ва Бағдодда ном таратган Шошийнинг ҳаёт йўлини бугунги ўқувчиларимизга яқиндан танитишга ҳаракат қилган. Албатта, тарихий шасхларнинг босиб ўтган мазмунли умри ҳақидаги бундай асарлар жуда зарур. Зеро, ҳазрат Қафғол Шоший — улўғ сиймо, аллома, боз устига, моҳир ҳунарманд, ҳалол меҳнатчи билан шуҳрат қозонган шахс. У зот замонасининг имоми, тафсир, ҳадис, калом, фикҳ, шеърят ва тилшунослик илмлари бўйича қомусий олимлардан бири эди.

Саидахорр ГУЛОМОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, академик,
Неъматулло МУҲАММЕДОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси профессори, тарих фанлари доктори
Тўлқин ҲАЙИТ,
Темурийлар тарихи давлат музейи катта илмий ходими,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

Романи ўқиш жараёнида кўрамазки, Абдужаббор Обидов аллома сиймосини шакллантириш учун жуда кўп изланиб, тарихий манбаларни яхши урганган ва шу билан бирга, Қўлайб ибн Сурайж, Садр-ул Исломи каби илмий зотлар орқали буюк аллома образини янада тинчроқ тасвирлашга эришган. Ўша давр кишиларининг ўз касблари орқали ҳалол яшаб, ҳалол ризқ-рўз топланлари, бунинг давомиди уста мақомининг ҳалоллик мезони асосида жамиятдаги барқарорлиги яхлит ифодлангани, бу асар мазмунига зид келмаган, аксинча, тарихий роман мазмунини янада бойитган.

Таъкидлаш керак, шу пайтгача Қафғол Шоший ҳақида биронта ҳикоя, қисса ва тарихий роман ёзилмаган.

Маълумки, X–XII асрларда минтақадаги Бухоро, Самарқанд, Насаф (Қарши), Термиз, Хива, Шош ва бошқа шаҳарлар бутун мусулмон Шарқидagi маданий марказлар қаторида машҳур бўлган. Жумладан, Тошкент — ўрта аср араб манбаларида Шош деб номланиб, тафсир, ҳадис, фикҳ, тилшунослик илмларида кўплаб таниқли олимларни етиштирган. Бу ерда туғилиб ёки қамолотга етган буюк зотлар, олимлар ўзларига “Шоший” нисбаси олишни шараф билан билган.

Ана шундай алломалардан бири Қафғол Шошийдир. Унинг тўлиқ исми — Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил Қафғол Шоший, араб манбаларида унга алоҳида ҳурмат баҳо келтириш учун номига “катта”, “улўғ” маъносини ифодаладиган “ал-Кабир” сўзини қўшиб ёзадилар.

Қафғол Шоший ва унинг илмий фаолияти нафақат Шарқ олимлари, балки Ғарб тадқиқотчиларининг ҳам эътиборини жалб этган. Машҳур немис шарқшуноси К.Брокельман, рус олими В.Бартольд алломанинг илмий меросига юксак баҳо беришган.

Одатда кўп алломаларимизнинг ёшлик, ўсириллик даврига оид маълумотлар манбаларда кам ёритилган. Ёзувчи ўша даврдаги ижтимоий-сиёсий воқеалар, илмий ва маданий жараёнлар ичига кириб, таъбир жоиз бўлса, ўша давр ҳаётида яшاشи керак.

Абдужаббор Обидов ўша давр руҳига кириб, ўша пайтдаги ҳунармандлар ҳаёти ва одатлари, турмуш тарзини ишонарли ҳикоя қилган. Турли касблар — темирчилик, қулолчилик, каштачилик, жез билан ишлаш, мисгарлик маҳсулотларини яратиш жараёнини меҳр билан ифодалаган. Бош қаҳрамон Шошийнинг ботир, кўрмас, жасоратли, ҳар ишга қўл урса, урдалайдиган ва охирига еткази оладиган образини ишонарли тасвирлаган.

Романин шижоатга тўла асар, дейиш мумкин. Биринчи бобдаёқ бу ҳолат сезилади. Роман қулфозлар хонадонидagi воқеалардан бошланади. Бу бежиз эмас, албатта. Тасаввуф дунёси одамни қомилликка, ўз қўл кучи билан меҳнат қилиб, ҳалол топиб, ҳалол яшашга, жасоратга, Ватани, номуси, аҳли аёли шаънини ҳимоя қилишга ундайди. Абу Бакр яшаётган хонадон, отаси Али Исмоил ҳамда волидаси билан боғлиқ инсоний туйғулар ва ўзининг темирчиликдан ташқари қулолчилик, нақш солиш, сополга ёзиш касбларини ҳам ўзлаштиргани, яъни бир вақтнинг ўзида бир неча ишга қизиқиши фонидagi ишоралар китобхони бефарқ қолдирмади. Шу боис, муаллиф романининг биринчи саҳнасини “Қулфозлар хонадони” деб атаган ва тўғри қилган.

Муаллиф бу улўғ сиймонинг ислом тарихи ва маданияти ҳамда сиёсий жараёнлардаги ўрнига ҳам алоҳида эътибор қаратган ва бу маълумотлар асар салоҳиятини янада оширган. Шунингдек, Халифа Муътазимнинг қўзғолончи Бобакни тутиб, исён уясини йўқ қилгани, Аморийани жанг билан олгани, унда қўшиннинг асосини турклар ташкил қилгани, Эски Жува таърифи, эски Тошканд — Бинкат тасвирлари, унинг дарвозалари, арки, регистони, шахристони ҳақидаги ишоралар, уларнинг хатти-ҳаракатлари одамни ўйлантиради. Умуман, асарнинг биринчи фасли тарихий шахслар ва воқеаларнинг мутаносиблиги билан ўқувчини эътиборсиз қолдирмайди.

Қулолчилик, мисгарлик, қулфозчилик ҳунарлари алоҳида меҳр бериб тасвирланган, чунки Бинкат қуллол идишлари халифалик пойтахтларига ҳам олиб бориб сотилган. Турли касб эгалари, ҳунармандлар ҳаёти бор жозибаси, X аср одамлари фикрати билан берилган. Маҳмуд Қошғарийнинг фольклори ва луғатидаги қадимий туркий сўзлардан фойдаланиш ўша давр одамларининг қизиларини очиб берган. Сомонийлар ҳукмронлиги остида Шош, Самарқанд ҳолати, қўриқчилари себрёёқ рангларда кўрсатилган, иқто, иқтодорлар билан боғлиқ вазиятлар очиб берилган, солиқ турлари, ҳиссалари ва пул бирликлари тўғрисида қизиқ маълумотлар келтирилган. Одамийлик, қўшинчилик ва биродарлик руҳи



асарда яққол кўзга ташланади. Мадраса, талабаларнинг ўқиш билан бандлиги, машғулотларни олиб бориш усуллари, қироатхоналар тавсифи китобхона муҳим ва қизиқ тарихдир. Қоғоз, қамисқалам ва ўрама қоғозларга ёзиш шакли ва кодекслар ҳақидаги маълумотлар ҳам ўқувчини бефарқ қолдирмайди.

Ёзувчининг романини бойитган ёндашувларидан бири — ислом маданияти ва тарихига оид муҳим воқеалар, улкамиз тарихи ва аждодларимиз кечмиши бадий маҳорат билан ёритилганидир.

Романда Қафғол Шошийнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида ўрта аср араб муаллифлари — Ёқут Ҳамавий, Шамсиддин Заҳабий, Тожуддин Субкий кабиларнинг муҳим асарларига таяниб, қимматли маълумотлар келтирилган.

Романининг ижобий томонлари ҳақида кўп гапирish мумкин. Мухими, муаллиф жуда кўплаб бирламчи манбалардан фойдаланган ва уларга таянган ҳолда X асрга хос образлар, турмуш тарзи, миллий қадриятлар негизда бус-бутун тасаввур уйғотадиган роман яратган.

Туркийларнинг яшаш тарзи ва асар қаҳрамонининг етакчи уруғ оқсоқоли қизига бўлган муносабатлари исломий тарбия ва таълимнинг ижобий томонлари асосида ишчи этилади. Қадимий одатлар (қиз ўғирлаш) ва бу ҳолатларни зўрлик, босқинчилик нуктаи назаридан қараш, албатта, баъзи удмлар эскирганлигини, қиз боланинг раъйини ҳисобга олиш зарурлиги ва бу ҳақда Пайғамбаримиз (с.а.в.) сўзлари борлиги китобда келтирилади. Иймонли, этиқодли улўс бу ҳолатни тўғри қабул қилади, гарчи сўзим-сўз деб келган уруғ тўраларини имонга келтириш қийин бўлса-да, охир-оқибат улар ҳам бош эгадилар. Бундай турфа фикр-лиқ муҳобараси керак эди ва ёзувчи буни усталик билан амалга оширган. Натижада, китобхонни қизиқтирадиган саҳналар пайдо бўлган.

Табиат қўйнида яшайдиган халқ ва унинг турли парранда, ҳайвонотга муносабати ҳам позитив қарашлар билан ҳал қилинган. От пойгалари, бўрилар таъқиби саҳналари, оддий, лекин меҳри улусининг айтишувларга бой шодиёна кунлари, чўпон-чўлиқнинг яшаш тарзи жонли тасвирланган ва ўқувчини ўзига жалб қилиш сеҳри билан қоришқ. Хилма-хил образлар ва асар қаҳрамонлари ҳам турли аснода: тоҳ оқ, тоҳ қора бўёқ билан берилса-да, ўша замон одами эканлигига ўқувчи ишонади, улар дардларига шерик бўлишга, уларнинг руҳига кириб бир зум бўлса-да, ўша даврларни ҳис қилишга мойил бўлади. Бундан ташқари, романда турли тарихий воқеалиқларнинг келтирилиши ўша давр тўғрисида ўқувчида яхши таассурот қолдиради. Мисол учун, Самарқанд атрофидаги уруғ-қабилаларга боргандаги воқеалар ва оқсоқол қизи Зийнат билан танишув ва унинг никоҳ тўйи жуда қизиқарили, ишонарли тасвирланган. Бу ёзувчининг катта ютуғи ва муваффақияти. Эрка, тантиқроқ, шу билан бирга довоқар, овдан қарчамайидиган, отда катта бўлган дашт қизининг муҳаббатига ҳам кир-далада барқ уриб очилган поладек қизгин ва ўтли бўлиши табиий. Ёзувчи шу мажнунона руҳни бера олган. Қўёв-келинини, айниска, Зийнатни ўқувчи севиб қоладиган даражага етказган.

Асар хотимасида Зийнат кутурган бўри тишлашидан ҳалок бўлади-ю, чуқур фиғонга тушган Абу Бакр олдида иккита савол қўйилади: ё девоналиқни бўйнига олиб, тарки дунё қилиш ёки Аллоҳнинг муриди, бандаси сифатида бор кўрғуликларни Ҳақнинг синови деб билиш ва йўлдан оғмай олдинга интилиш. Донудин пешволари ўғитлари, панд-насихатлари уни ҳаётни давом эттириш ва катта мақсадлар сари бориш, умрини билимга ва улўс саодатини оширишга хизмат қилишга чорлайди.

Муаллифнинг Абу Бакр Қафғол Шоший ҳаётига бағишланган мазкур асари бугунги ўқувчи учун зарурлиги, унда тилга олинган воқеалар тарихий ҳақиқатга яқинлиги ҳамда романининг бадий савияси баландлиги уни мутлоаа қилган китобхоннинг дунёқарашини янада теранлашишига хизмат қилади.

Ибрат

Александр СОЛЖЕНИЦИН,
ёзувчи,
Нобель мукофоти лауреати

“БИР КЕЧАДА ЙЎҚОТИЛАДИГАН НАРСАЛАРГА УМРИНГИЗНИ ТИКМАНГ”

Ёлгон, ўтқинчи нарсалар — бойлик, мол-мулк ва унвон-мансаблар ортиндан қувманг: булар ун йиллар давомида йўқотилган соғлигингиз, умрингиз ҳисобига ортирилади, аммо бир кечада мусодара қилиниши, олиб қўйилиши мумкин.

Кулфатдан қўрқманг ва бахтни кўпам интизор бўлиб кутманг. Бирибир, бир кам дунёда яшаймиш. Совқотмаётган, очлик ич-ичингизни тирнамаётган бўлса, шунинг ўзи етарли...

Умуртқа сувзингиз синмаган бўлса, икки оёқ, икки қўлингиз ишласа, кўзларингиз кўриб, қулоқларингиз эшитса — яна қимга ва нимага ҳасад қилишингиз мумкин?

Бошқаларга ҳасад қилсак, энг аввало, ўз-ўзимизни еб адоий тамом қиламиш. Кўзингизни каттароқ очинг, қалбингизни покланг ва қим сизни ўзига яқин олса ва яхши кўрса, ўшаларнинг қадрига етинг. Уларни ҳаф қилманг, уричманг. Ҳеч қим билан жанжаллашиб, ажрашиб кетманг. Ахир айнан худди шу жанжал сизнинг бу ҳаётдаги энг охири ишингиз бўлиши ва одамлар хотирасида бир умр шу тахлит қолишингиз мумкин.

“БАЙРОҚНИ КИМ КЎТАРАДИ?...”

Водий бўйлаб аҳвол тобора танг бўла борди. Ҳеч ердан на- жот етмаслиги, истиқбол шуъ- ласи сўниб бораётганига амин бўлгач, Шермуҳаммадбек қўл остидаги бир минг етти юз аскардан уч юзу тўқсон олти нафари билан тарки ватан қи- либ, Афғонистонга ўтиб ке- тишга мажбур бўлди.

Фарғона ислом лашкарининг бир қисми ён-атрофдаги қишлоқ ва депараларга тарқаб кеткан бўлса, айримлари уй-уйларига қайтиб, шўро ҳукуматига таслим бўлишдан ўзга чора топа олмади. Хижрат олдида амирлашкар Шермуҳаммад Одилбек ва Ҳайдар Бурҳонни чорлаб, узоқ суҳбатлашди. “Пешонамизга шундай ёзиқ битилган экан, тақдирни илоҳийга қарши туриб бўлмайди. Бизлар қўлимиздан келганини қилдик. Насиб этса, курашимиз тўх- тамағай, четда бўлса ҳам, давом эттиргаймиз. Фақат ҳозир мана шундоқ оғир кунларда ҳам- мамиз бирга бўлмоғимиз керак”, деб уларни ўзи билан кетишга даъват қилди. Аммо Одил- бекнинг ҳам, Ҳайдарнинг ҳам қарори қатъий эди. “Маъзур тутғайсиз, амирлашкар, бизнинг мазоримиз шу юртда. Худо йўлингизни бер- син”, дея, бу таклифни рад этдилар.

Шермуҳаммадбек, табиийки, ранжиди. Со- вуққина хўшлашдилар. Кетиш олдида амир- лашкар Одилбекнинг отига буйруқ чиқариб, уни қолган йигитларга қўрбоши этиб тайин- лади. Шундан сўнг Одилбек икки юзга яқин мужоҳидга бош бўлиб, бир ярим йилдан зиёд Бухоро музофотининг шарқий мавзелиарида, Аччиққўл, Қоратегин ва Балжувоннинг тоғли дараларида саргардон юрди. Бир неча бор Фарғонага ёриб ўтишга уринди, аммо ҳар са- фар ҳам омад ундан юз ўгирди.

Биз – ўзбекларда “Ҳар жойнинг тулкисини ўз тозиси овлайди”, деган мақол бежиз ай- тилмаган. Бу вақтда шарқий Бухоро зами- нида Фузайил махсум, Дониёлбий, Эшон султон номлари билан танилган қўрбоши- лар ўзларини ўлканинг қонуний хожалари деб ҳисоблар, шу важдан Одилбек ва унинг толеъсиз ҳамроҳлариға гашлиқ ва ғанимлик кўзи билан қарашлари табиий эди. Уларнинг қароргоҳига кечалари номаълум отликлар қий-чув кўтариб бостириб келар, бешотар милтиқларидан қасира-қусур ўқ узиб, “Эй фарғоначилар! Даф бўлинг Фарғонангизга!” – деб бақирар эдилар.

Бундай кезларда Ҳайдар Бурҳон Одилбек ва йигитларга вазмин бўлиш, иғво ва фитна- ларга учмаслиқни қайта-қайта тайинлаб чар- чар, уларнинг қахру ғазаб алангасини базўр сўндирар эди. Аммо барибир маҳаллий қўр- бошилар билан бир неча марта қонли тўқна- шувлар юз берди. Чуқурроқ мулоҳаза қилиб кўрган киши бу душманиқ илдиизи Бухоро ва Ҳўқанд хонлиқлари ўртасидаги кўхна адо- ватларга бориб тақалишини англамоғи қийн эмас эди.

Нихоят, адоғи йўқ бу саргашталиқ, хору зор- лиқ жон-жонидан ўтиб кеткан Фарғона лаш- кари орасида гоҳ пинҳона, гоҳ ошқора тусда, қандай қилиб бўлмасин, юртга қайтиш ҳақида гап-сўзлар кўпая бошлади. Аслида уст-бо- шию қурул-яроғи абгор, озуқа таъминоти кун сайин муаммога айланиб бораётқан, қарийб ярми касал бу тўданинг лашкар деб атагулик холи йўқ эди. Иш кўрган, тажрибали қўрбоши ва понсадлар амирлашкарға эргашиб кеткан, кейинги уч ой мобайнида буларнинг сафига бирон киши келиб қўшилмаган эди.

Боз устига, очлик балоси элни қолдан той- дирган эди. Лекин очлиқ шўроларға қўл келди, зотан, оч-яланғоч одам борки, ҳукумат қўши- нига аскар бўлиб ёлланар, азбаройи қорин тўйдириш қайғусида ўзининг миллатдошиға, дин қардошиға қарши жанг қилар эди.

Вазиятнинг тобора хатарнок тус олаётқа- нини сезиб, Одилбек Ҳайдар Бурҳоннинг кенгашида кўра, бошқаларға сўзи ўтадирган муноқишада, чунончи, Назар ва Абдумалик ўн- боши, Зиямат полвон, Маматаюб ота, Пирмат оқсоқол, Абдулла байроқдор билан тоғ ўнгури- даги ғор ичида жойлашкан қароргоҳда маша- врат ўтказди. Бу ғарибона анжуманда айтилган турлик-турлик фикрларни мухтасар ифода қи- ладирган бўлсақ, аксарият кўпчиликнинг қа- рори юртга қайтишдан иборат бўлди. Улар- нинг борки ўй-хаёллари “Эй ғўзал Фарғона,



(“Япдо кечаси” романидан боб)

қонли кўйлагиндан айланай!”¹ деган маҳзун бир ҳиссиёт бутунлай эғаллаб олган эди.

Ҳақиқатан, бошини ўлим кундасига қўйган бу одамларни олдинда ҳам, ортда ҳам муқар- рар ажал кутмоқда эди. Аммо бу ерда қолиб, Фузайил махсум каби мусулмон биродарлар ўқиға учғандан кўра, Аллоҳға таваккал қилиб, кофир душман қўлида шахид бўлмоқ афзал- дир. Шоядки, шунда мусулмон мусулмонни ўл- дирибди, деган исноддан халос бўлишға им- кон туғилар...

Машварат аҳли тонгға қадар режа тузди. Бомдоддан сўнг саргимтил-қизғиш ҳазон япроқлари билан қалин қопланган тоғ сўқ- моқлари оша йўлға отланилди. Одилбек оч- наҳор ва юпун, тинкаси қуриган шерикларига руҳан далда бермоқ учун Абдулла байроқдор- нинг қўлидан туси ўчиб кеткан яшил байроқни ўз илгига олиб, боши тепасида баланд кўта- риб борарди...

Дунёнинг жамики азиз ва бебаҳо неъматла- ридан кўра ўлим шарбатини афзал билган бир даста йигит унинг ортидан қовлигина эргашиб келарди. Улар қаторида ҳали юзига устара тег- маган бўз ўғлонлар билан бирга уч-тўрт фар- занд отаси бўлган кечаги қосиб ва деҳқонлар, Маматаюб ота, мулла Сотиболди каби азамат қариялар ҳам бор эди.

Ажабо, қарға-қузғунлар чарх уриб юр- ган кимсасиз, яйдоқ далалардан ажал сари пешвоз бораёткан бу одамларнинг фикри- ёдини шу тобда не ўй-хаёллар, ҳиссиётлар чулғаб олган бўлса экан?

Отам – марҳум Қодирмуҳаммад бобо йи- гитлик чоғи Худоёрхонға сарбоз бўлиб, бир неча урушларда, чунончи, ўрис қўшинига қарши Алимқули амирлашкар ҳамда Ўқуббек Бадавлатнинг қилган жангларида қатнашган эди. Табиийки, бир мусанниф ўлароқ, қонли сўғиш-савашларға қирадирган жангчининг аҳвол-руҳияси мени қизиқтирмасдан қўй- масди. Қачонки, шу тўғрида ижикилаб сўра- сам, бошда жўяли жавоб бериб турган чоли тушкурнинг хиёл ўтмай жаҳли чиқиб кетар, “Баччағар, уруш сенга Шафоат аммангнинг шафтолиққосими?” – дея жеркиб берар эди. Лекин бир сафар, “Худоё тавба, қиргиннинг ичига кириб кетяпмиз-у, чап этик лаънати не- гадир оёғимни сиқиб, жонимни оларди”, деган гапи қулоғимда қолган. Демакким, жанг пайти одам ўзини ўлим ваҳимдан қалғитмоқ учун шу каби ўйларға борар экан-да...

Хайр, Одилбек ва шерикларининг кўнгилла-

ридан кечаёткан ҳис ва туйғуларини ўзларига қолдириб, яна мақсудимизға келайлик.

Бирон соатлардан сўнг ислом лашкари че- гара худудига ниҳоятда яқинлаб келди ва бир- данига “Урхо-ур!” дея сурон кўтариб, ёв устиға куюндек ёпирилди. Чегараға қулф солиб, ку- лоғи динг бўлиб ўлтирган олти юз кишилиқ ҳу- куमत қўшини уларни ўқ ёмғири билан қутиб олди. Битта мужоҳидға қарши ўнлаб милтиқ- дан ўқ узилар эди. Бирпасда ҳужумчиларнинг олдинги сафлари сийраклашиб қолди.

Қизил аскарлар хандақлардан, дароҳт ва деворлар ортидан чиқиб, қарши ҳужумға отил- дилар. Аммо шунга қарамасдан, Абдумалик ўнбоши отлик йигитлари билан сўл томондаги жарлиқни ёқалаб чегарани ёриб киришқа му- ваффақ бўлди. Бу қанотдаги шўро аскарлари пала-партиш қоча бошлади. Бунға сари му- жоҳидларнинг қони жунбушқа келиб, “Аллоху акбар!”, “Аллоху акбар!”, “Лаа илааҳа иллал- лоху валлоху акбар!”, “Аллоху акбар ва лилла- ахил ҳамди!”, – дея тақбир айтиб, қичқирганча душман аскарлар ташландилар.

Одилбек эгарда қийрихон ўлтирган қўйи, Абдулланинг бир неча бор сўрағаниға қара- масдан, қўлидаги байроқни бермасдан, уни баланд ҳилпиратиб, отини елдириб борар эди. Ногаҳон пистирмадан пойлаб туриб кетма-кет узилган тўфангча ўқи унинг нақ юрагига тегди. У қаттиқ бир “Оҳ!” дедию, қўлидаги байроққа ўралиб, юзтубан қулади. Ҳайдар Бурҳон билан Назар ўнбоши ирғиб отдан тушдилар, оғ- зидан шариллаб қон келаёткан Одилбекнинг жароҳатини боғлаб, пана жойға этдилар. Шу заҳоти мададга етиб келган Валли ботир, Тўланбой қирғиз, Умар қорасоқол каби ўнга яқин суворий Одилбекни от устиға олиб, Ач- чиққўл томон шамол каби елиб кетдилар.

Кўз ўнгида душман байроқдорининг қу- лагани қизил қўшинға айрича бир руҳ ато этиб, ҳужумни янада кучайтирдилар. Ҳайдар чеки- нишқа буйруқ берди. Шўро аскар, хойнаҳой, ортда пистирма бўлса керак, деган хаёлга бо- рибли, уларни узоқ таъқиб қилмади, аксинча, тезда изига қайтиб, хандақ ва истеҳкомларига мустаҳкам ўрнашди.

Ёв қўздан узоқлашиб, Сарихумдон яқини- даги ўрмон каби қалин, нимқоронги ёнғоқзор ичида тўхтадилар. Қўкка бўй чўзган баҳайбат дароҳтларнинг тагида ер билан битта бўлиб ҳазон аралаш ёнғоқ мевалари сочилиб ётар, ҳар қадам босилганда оёқ остида “қирс-қирс” товуш чиқариб синар эди.

Одилбекни авайлаб от устидан туширди- лар. Хайҳотки, жони узилган эди... Ҳайдар Бурҳон унинг ҳали совуб улгурмаган жасадини бағриға босиб, очиқ қолган кўзларини ёпиб, иягини боғлади.

Шом яқинлашмоқда эди, тўрт азамат йигит шошилиб гўр қазишқа тушди. Орқада қолган- лар ҳам етиб келгач, Абдураззоқ тоға имо- матға ўтиб, жаноза ўқилди. Марҳум шахид мақомида бўлгани учун майитни ювмасдан, эғнидаги қонли кийими билан қабрга қўйди- лар. Қуръон тиловат қилинди.

Дахшатли муҳорабаларда ҳар куни ўлим устиға ўлим кўрабериб, дийдаси тош қотиб кеткан бўлса-да, Одилбекнинг ҳалокати йи- гитларға фавқуллода кучли таъсир кўрсаткан, ҳамманинг боши эгик, руҳияти тушкун эди. Ҳатто, бояғина бетоқат пишқириб турган отлар ҳам чурқ этмас, улкан дароҳтларнинг шоҳла- рида қатор тизилишиб ўлтирган олақанот ҳақ- калар, қораялоқ қушлар-да сукут сақлар эди.

Қабр бошида тиз чўккан Ҳайдар Бурҳон аста ўрнидан турди, алам ва изтироб билан шерикларига қараб сўзланди:

– Эй мужоҳид паҳлавонлар! Ватан и- стиклоли учун жон тиккан ўғлонлар! Нега хомуш, нега маҳзун бўлиб қолдингиз? Бо- шингизни кўтаринг, сизларнинг ишларин- гиз, мақсадларингиз, қонларингиз ҳақ- дир! Аллоҳнинг иродаси, қўмондон Одил- бекни ерга бердик. Аммо, ўзингиз айтинг, Одилбек ўлдимиз? Асло! Зотан, Одилбек ким эди? У Ватан ва дин мужоҳиди, марди Худо эди. Бас, шундоқ инсонни ўлди деб бўлуруми? Башарти, Одилбек ўлган бўл- са-да, айтинг, унинг иши, унинг аъмоли, унинг маслағи ҳам ўлдимиз? Асло ўлгани йўқ! Ҳаммангиз шоҳидсиз, бек охирғи на- фасиға қадар душман билан мардона олишди. Қўлидаги мана шу байроқ унинг муборак қони ила бўялди. Жон берар экан, мендан: “Оға, байроқни ким кўтаради?” – деб сўради. Эй жафокаш юрт лашкари! Эй, қахрамон ўғлонлар! Иймонимиз, диёна- тимиз синов тарозисида симобдек қалқиб турган мана шу лаҳзаларда мен энди шу

саволни сизларға бермоқчиман: байроқни ким кўтаради? Ким?

Тўрт тарафқа чинакам қабристон сукунати чўмган эди. Нихоят, қарахт бўлиб қолган му- жоҳидларнинг хушлари ўзларига қайтди. Энг аввал бошидаги ярасидан қон силқиб турган Абдулла Ҳайдар Бурҳоннинг олдиға келиб:

– Менга беринг байроқни, оға, мен кўтара- ман! – деб қонға бўялган ялов қаршисида тиз чўкди.

Унинг ортидан кўзларида қайғу ва қасос алангаси чақнаган, бири ярадор, бириси соғ ўнлаб азаматлар, фидойи мўйсафидлар би- рин-кетин майдонға чиқа бошладилар:

– Тўғни менга берин!
– Мен кўтараман байроқни!
– Жойинг жаннатда бўлсин, Одилбек бо- лам, байроғинг ерда қолмағай! – деган хайки- риқ садолари еру кўкни тугди.

...Ислом лашкарининг қолган-қутган бўла- лари Ҳайдар қўрбоши бошчилигида Бухо- ронинг шарқий худудларида яна беш-олти ой шўро қўшинига қарши жанг қилиб юрди. Сўнгра уларнинг батамом тор-мор кептирил- гани ҳақида хабарлар тарқади.

Аммо орадан кўп ўтмай, Ўш ва Ўзган томон- ларда бир қўрбоши хотин пайдо бўлгани, ўша қонли байроқни баланд кўтариб, юзлаб йигит- ларға бош бўлиб ёв билан мардона жанг қила- ётгани бутун Фарғонаға овоза бўлди. Билғучи кишиларнинг айтишларига қараганда, бу аёл оғаси Нусратхон тўра, эри Матлабхон, жувон- марг қизи Суйиммахон, дин қардоши Одилбек- нинг хунини талаб қилиб, майдонға чиққан Ой- нисо қўрбоши эмиш.

У ўзининг қўрқинч жасоратлари билан, ху- сусан, Ўш турмасиға ногоҳ ҳужум уюштириб, ўнлаб мужоҳидларни бешикаст овоз этгани, қамоқхона кўриқчиларининг қурулларини тор- тиб олиб, ўзларини эса ҳибсхоналарға банди этиб кетгани ҳақидаги хабарлар билан бутун водийни титратиб, душман орасиға ваҳима ва ларза солиб юрди.

Бу гапларға бирав ишониб, бирав ишон- мади.

Қарийб икки йилдан кейин бу саркарда хо- тиннинг Аравон тоғларида пулимуёт ўқиға учиб ҳалок бўлгани ҳақида овоза тарқади.

Вақт ўтиб, бу гап-сўзлар аста-секин унут бўлди.

Фақат Ойнисо қўрбошидан ёдгор бўлиб, бир замон унинг тарафидан Одилбекнинг мазори устиға қўйилган омонат қабртошиға битилган “**Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожиъун**” калимаси ва қуйидаги тўрт мисра шеър қолди, холос:

**Ғунча бўстонлари сўлган, дема,
Кўзлариға хору хас тўлган, дема.
Ҳақ йўлида қимки ўтди – барҳаёт,
Ҳеч қачон ўлган, дема, ўлган, дема.**

Табиатнинг азалий қонуниға мувофиқ, Са- рихумдонда ҳам кўз оёқлаб, қиш келди, унинг ортидан қўқлам ўз кучиға кирди, ёз фаслиға бориб, ушбу ғарибона мазор нураб, одам бўйи бўлиб ўскан қамиш ва қиёқлар орасида йўқо- либ кетди?²

² Ойнисо хоним ҳаётидаги бундай эврилиш баъзи ўқигучиларға балки муболага бўлиб туюлар. Аммо ушбу рўмон учун маълумот тўплаш асноси мен ҳужжаттоҳларда ҳеч қутил- маган, дабдурустан киши ақлини шошириб қўядирган ғалати манбаларға дуч келдим.

Сир эмас, мозийда бизнинг ўлка ва диёрларда яшаган аёл зоти борки, барчаси “занфа” деб аталган ва уларға муносабат ва қараш ҳам айни шу йўсинда шаклланган. Хотин-қизлар- нинг асосий машғулотлари уй-рўзгор юмушларидан иборат бўлган.

Бирок тарихда шундай ғайритабиий вазиятлар ҳам юз берганки, ўшал “занфа” деб ҳисоб- ланган момо ва оналаримиз қўлларидаги игтани ханжарға, чўмчини гурзига алмаштириб, ёвларға қарш эрлар билан ёнма-ён туриб жанг қилганлар. Базилари эса урушда ҳалок бўлган саркардалар ўрнини эғаллаб, порлоқ ғалабалар ҳам қозонганлар.

Бу хусусда сўзин узайтирмасдан, массает маликаси Тўмарис, қирғиз қардошларимиз- нинг жасур момоси Қурманжон додхоҳ каби шижоатли аёлларни эслаш кифойдир. Шу- лар қатори яқин ўткан кунларда Фарғона водийсида бир қўрбоши хотин шўро қўшинига қарши мардона уруш қилгани ҳам маълум. “Ойишахон қўрбоши” исми билан машҳур бу аёл тўғрисида “Ер юзи” жўрнолининг 1928 йил январь ойда чоп этилган 15-сонида бир мақола босилган бўлиб, муаллифи бу кундаги машҳур муҳаррирларимиздан Комил Алиёуф ўртоқдир.

Ушбу мақолада мазкур Ойишахон қўрбоши ҳақида муфассал маълумот баён этилиб, жумладан, ўз вақтида унинг номиға амирлашкар Маҳкам ҳожи тарафидан бир ёрлик – ино- ятмома берилгани хусусида ҳам сўз юритиладир. Қон дарёси ичра кечкан долғали йиллар- нинг ноёб ёдгори бўлмиш бу ҳужжатни тубанда мухтасар зикр этмокни жоиз, деб билдим:

“Иноятнома
Ҳижрий бир минг уч юз ўттиз тўққизинчи йил, Зулқайда ойининг ўнинчи санаси (мил- лий 1920 йил, декабрь ойи).
Ўш шаҳридаги тамоми қўрбоши, понсадлар ва ислом лашкарларига етиб маълум бўлғайки, дини ислом йўлида курашиб шахид бўлган Холхўжа эшоннинг туғишқан синглиси Ойишахон ойим дин йўлида акаси ўрнида қилч чопмоқ учун фидойи бўлиб чиқибдур.

Бинобарин, бизким – лашкари ислом амири Маҳкам ҳожи ўз томонимиздан бу ҳамшира- мизни Холхўжа ўрниға қўрбоши тайин қилдуқ. Тамоми Ўш шаҳри ва атрофидаги Холхўжа эшондан қолган аскарлар, ўнбоши ва юзбошиларға маълум бўлғайки, бу Ойишахон ойимни мутаваффо оғаси ўрнида билиб, буткул амру фармониға бўйинсуниб, инқиёд қилсунлар. Заррача ихтилоф қилмай, ҳар не буюрган хизмати бўлса, жону дин билан бажо келтирғай- сизлар. Баъзи бир атрофеа тарқаб кеткан ишитлар бўлса, ушбу буйруқимизни кўрган, эшиткан он дарҳол Ойишахон ойимнинг ҳузурига ҳозир бўлсунлар. Бошқа қўрбошилар ол- дида хизмат қилиб турганлари ҳам Ойишахон ойимдан хат борган замон Ўш шаҳридаги эски жойлари бўлган Ойишахон – Холхўжа эшон ҳавлисига бориб, аввалги ўринларидаги хизматлариға қойим бўлсинлар.

Ҳар ким бу фармонимизға бўйинсунмаса, боши ўлибда, мол-мулк талонда бўлуб, қочқан- лари қурол жазосига мустаҳқ қилинадур, деб ўшбу иноятнома берилди. Лашкари ислом бошлиғи, амирлашкар фидойи Маҳкам ҳожи муҳримни босдим...”

Бу мавзудаги сўнги суриштирувлар натижаси ўлароқ, мен Туркистон ўлкасида юз- лаб эркакларға бош бўлиб жанг майдонида жавлон урган яна бир неча қўрбоши аёллар ўтганини аниқладим. Улар орасида таникли ислом мужоҳиди Муҳиддинбек (Мўйдин- бек)нинг онаси Мехрихон қўрбоши, олтиариқлик Шакархон қўрбоши, Бухоро музо- фотининг Карманасидан чиқкан Нодира қўрбоши каби хотин-қизларнинг исмлари бор- лигини кўриб, ҳайратни зиёда бўлди ва Ойнисо хонимнинг кейинги тақдирини битишда мана шу маълумотлардан имкон қадар истифода этдим (муаллиф).

1 Бу сатр Чўлпонға мансуб (муаллиф).

ADOLAT

Муассис: “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши

QR коди
орқали
газетанинг
электрон
вариантини
юклаб олинг!

Бош муҳаррир: Ислом ХАМРОЕВ

Таҳрир хайъати:

Робохон МАХМУДОВА
Баҳром АБДУҲАЛИМОВ
Наримон УМАРОВ
Мухаммад АЛИ
Гавхар АЛИМОВА
Мухаррам ДАДАХОДЖАЕВА

Озода ПАРШИБОВЕВА
Қодир ЖўРАЕВ
Тошпўлат МАТИБАЕВ
Талъат МУРОДОВ
Абдуқамол РАХМОНОВ
Собир ТУРСУНОВ

Котибият – 71 288-42-14 (144); 95 096-07-75
Қабулхона – 71 288-42-12 (141)

НАШР
КЎРСАТКИЧИ: 100

ISSN 2091-5217

9 772091 521009

Газета 1995 йил 22 февралдан
чиқа бошлаган

Навбатчи муҳаррир – Абдуқамол Йўлдошев
Масъул котиб – Абдуғани Содиқов

Таҳририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани “Шарк тонги” кўчаси, 23-уй.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 10-3656 рақами
билан 2016 йил 04 апрелда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 3 босма табоқ, Офсет усулида босилган. Буюртма Г – 1201

Адади – 2 143
Босишга топишрир вақти – 21.00
Босишга топишрирди – 22.50

Баҳоסי келишилган нархда

Таҳририятга келган қўлзмаалар тақриз қилинмайди ва муаллифий ҳақ қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

“Шарк” НМАК босмахонасида чоп этилди.
Қорхона манзили: Тошкент шаҳри Буюқ Турон кўчаси, 41-уй.